Узбекистон Республикаси
Кашкадарё вилояти
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ

# "AUDIT-HISOB MARKAZI"
# АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

*Юридик манзил: Кашкадарё вилояти, Карши шахри.180100, Мустакиллик-2, тел +99891 46...*
*Лицензия: Аудиторлик фаолияти буйича МВ нинг 2008 й 14 мартдаги АФ №00376 ракамли лицензиясига эга*

**«MUBORAK PAXTA TOZALASH» AJ нинг**
**2016 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботига**

## ИЗОХЛАР БИЛАН ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

***Буюртмачи :*** «Muborak paxta tozalash» AJ.
***СТИР раками:*** *202 619 115*
***Манзил:*** *Муборак тумани, Сардоба кургони*

Мен, МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» аудиторлик ташкилоти (Кашкадарё вилояти, Карши шахри, 7-миттитуман, 8/27-уйда жойлашган, СТИР раками 203 798 660, ОКОНХ коди 84400, Банк: ТИФ Миллий банки Кашкадарё филиали, МФО коди 00150, Х/р. 20208000104153882001) аудитори Кодиркулов Ойбек Турдибоевич (аудитор малака сертификати раками № 05240, санаси 16.08.2014) томонидан «Muborak paxta tozalash» AJ нинг баланс, молиявий натижалар тугрисидаги хисоботдан иборат 31.12.2016 йил холатидаги молиявий хисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан утказдим.

### Хужалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги

Хужалик юритувчи субъект рахбарияти бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатларига мувофик молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва хакконийлиги хамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги утказилган утказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Muborak paxta tozalash» AJ ташкилотининг илова килинган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан утказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча мухимлилик жихатлари буйича бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатларига мувофиклиги ва хакконийлигини бахолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик утказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб курсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга булишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва утказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йуналтирилган аудиторлик амалларини утказишни уз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулохазамизнинг предмети хисоблаиади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тугрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради, деб хисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, махсус кисмда кайд этилган изохлар билан фикр билдириш учун асос буладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

**Изохлар билан фикр билдириш учун асос**

2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра иш хакидан даромад солиги 13140.8 минг сўм кам хисобланганлиги хамда пенсия жамгармасига сугурта бадали ажратмаси буйича 4285.0 минг сум кам хисобланганлиги аникланди. Бунинг оқибатида, мос равишда 2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, солик ва мажбурий ажратмалардан карздорлиги ошади. Умуман олганда, ушбу сумма молиявий ҳисоботдаги бузиб кўрсатишларнинг таъсирини баҳолаш учун ўрнатилган муҳимлилик даражасидан ошмайди.

**Изохлар билан фикр билдириш**

Бизнинг фикримизча, изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий ҳисоботга таъсиридан ташқари "Muborak paxta tozalash" AJ нинг 2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи бухгалтерия хисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий холатини ҳаққоний акс эттиради.

**Аудиторлик ташкилоти рахбари : -** **З.Эргашева**

**Аудитор : -** О. Кодиркулов

**2017 йил, 17 апрель**